

Наргиза Бахтиёр кизи ИСЛОМОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси 2-босқич
магистратура талабаси
nargizaabdieva93@gmail.com

АЁЛЛАРНИ ЁТ ҒОЯЛАР ТАЪСИРИГА ТУШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ТЕХНОЛОГИИ ВОЗДЕЙСТВИЯ ИНОРОДНЫХ ИДЕЙ НА ЖЕНЩИН И ИХ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ

TECHNOLOGIES OF THE RECRUITMENT OF WOMEN INTO ALIEN IDEAS AND ITS PSYCHOLOGICAL FEATURES

Аннотация: Бугунги глобллашув жараёнида дунё халқларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалардаги интеграциялашуви низолатда тезлашгани кўзга ташланмоқда. Жаҳонда динга ва диний маърифатга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, мусулмонларнинг гарб давлатларига кўчиб ўтиши, тариқатларнинг кенг миқёсдаги фаолияти, экстремистик гуруҳларнинг ислом ниқоби остидаги террорчилик ҳаракатлари диний глобллашув жараёнининг асосий белгиларига айланди.

Калим сўзлар: экстремизм, диний мутаассиблик, ёт ғоялар, аёллар психологияси, гуруҳ, шахид, шахидлик белбоғи, тарғибот қуроли.

Аннотация: В современном процессе глобализации заметно ускорилась интеграция народов мира в социальной, экономической, политической и культурной сферах. Рост потребности в религии и религиозном просвещении в мире, миграция мусульман в западные страны, масштабная деятельность сект, террористические действия экстремистских группировок под видом ислама стали главными признаками процесса религиозной глобализации.

Ключевые слова: экстремизм, религиозный фанатизм, инородные идеи, женская психология, группа, мученик, пояс мученичества, оружие пропаганды.

Abstract: Today the integration of the population of the world in the social, economic, political, and

cultural fields has accelerated because of the process of globalization. The increase of need for religion and religious enlightenment in the world, the migration of Muslims to Western countries, the large-scale activities of tariqats, terrorist acts by extremist groups under the guise of Islam has become the main signs of the process of religious globalization.

Key words: extremism, religious fanaticism, alien ideas, women's psychology, sect, martyr, martyrdom belt, propaganda tool.

Мутаассиб шахсларнинг асосий мақсадлари – уларнинг ғояларига содиқ манкуртлар сонини ошириш билан ўз вазибаларини уларга юклаш ва амалга ошираётган «савоб» ишларини имкон борида сездирмасдан олиб боришдир. Хусусан, “Ҳизбут-таҳрир” экстремистик оқими вакиллари аёллар учун алоҳида гуруҳлар ташкил этиб, унга асосан, гуруҳ аъзоларининг турмуш ўртоқлари, яқин қариндошлари ва экстремистик ғояларни тарқатгани учун жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг яқинлари қиради. Гуруҳда эркаклар қатори аёллар ҳам барча қоидаларга риоя қилишлари ҳамда қуйидаги талабларни бажаришлари лозим:

– аёллар тизимини тўлдириш фақат “ноқиб” ёки унинг ёрдамчиси (“жихоз аъзоси”)нинг таклифи билан амалга оширилади;

– бўлинма ва “жихоз” фақат аёллардан ташкил топиши керак. Эркаклар бўлинмадаги аёлларнинг яқин қариндошлари бўлсагина, ушбу бўлинмани бошқариши мумкин;

– аёллар ҳеч қачон “амир”, “мўътамад”, “масъул” ёки “молиявий масъул” бўла олмайди, гуруҳнинг бошқа лавозимларига тайинланмайди;

– аёллар эркаклар иштирокида ўтказиладиган тадбирларга қатнашмайди [7].

Ҳозирги кунда фаолият юритаётган экстремистик оқимларнинг аксарияти инсон шахсияти учун хавфли ҳисобланувчи террористик характерга эга. Бу турдаги оқимлар инсон иродасига босим ўтказиш, унинг тафаккури, ҳиссиёти ва ҳуқ-атворини назорат қилиш мақсадида кишилар онига руҳий таъсир ўтказиш услублари мажмуидан устамонлик билан фойдаланадилар [9]:

1. “Оз-оздан” технологияси – ёлланаётган аёлни қилинаётган кичик илтимослар орқали жиддий ёнбосишга мажбур қилиш. Масалан, дам олиш кунларини биргаликда ўтказиш, ҳафтада бир кун кечқурунлари диний адабиёт ўқиш, жамоавий мажлисларда қатнашиш каби “илтимос”лар.

2. Доимий тарзда “мия ювиш” фаолияти амалга оширилади. Жалб этилаётган аёлга, ташкилот ғояларини амалга ошириш унинг шахсий ва жамиятдаги муаммоларини ҳал этишнинг энг мақбул йўли, деган ғоя тинмай уқтирилади.

3. Жамоавий таъсир. Янги аъзо аёл жамоа томонидан ягона ғояга йўналтирилган фикрлар билан “қўмиб” ташланади, ўйлаш ва фикрлашга имкон қолдирилмайди.

4. Эътироз билдириш ёки баҳслашиш имкони қолдирилмайди. Ўз фикрлари билан ёлғиз қолдирмаслик мақсадида жамоада янги бўлган аёлга тўхтовсиз равишда янгидан-янги маълумотлар берилади.

5. Танқид қилиш қобиляти ва бошқа шахсий хусусиятлар таъсирлантирилади. Ваъда қилинган олий мақомга эришиш учун бир қатор “маънавий” ва жисмоний машқларни бажариш лозимлиги тушунтирилади. Ўз вақтида овқатлантирмаслик ҳамда кам ухлатиш орқали қилинаётган ишлар ҳақида ўйлаш, атрофдаги воқеа-ҳодисалар юзасидан танқидий фикр юритишга бўш вақт қолдирилмайди.

6. Ижобий таъсир кучайтирилади. Аёлга нисбатан доим хушмуомала бўлинади, ғамхўрлик қилинади, унга “беғараз” моддий ёрдам кўрсатилади, аёл “илиқ муносабатлар”, “диққат-эътибор” ва “ғамхўрлик” куршовида қолади.

7. Ижтимоий алоқалар чекланади. Аста-секинлик билан аёлни ўқиш, ишини ташлаш, оиласидан узоқлаштириш, уй-жойини ўзгартиришга мажбур қиладилар [5:110].

8. Жамиятга қайтиш имконияти йўқ қилинади. Аёл бутунлай оқимга боғлиқ бўлиб қолади, унинг ҳеч қандай даромади, ижтимоий ҳимоячиси, касби бўлмайди. Оиласи ва дўстлари билан алоқалари узилгани боис орқага қайтишга йўл йўқдек кўринади. Аксарият ҳолларда радикал гуруҳлар аёлларни даъват этишда миллат ва дин танламайдилар, гуруҳдаги барча аёллар бир-бирига “опасингил”, деб уқтирадилар.

Одатда, даъватлар аёлларнинг заиф нуқтасига эътибор берган ҳолда олиб борилади, бирорта аёл бу йўлнинг ҳамда бажариши лозим бўлган ишининг хато эканини ўз вақтида англаб, ортига қайтишни истаса, унинг қайтишига ҳеч қандай имкон қолдирилмайди, “биздан чиқиб ҳукуматга мурожаат қилсанг, улар сени аяб ўтирмайди, аксинча сени қаттиқ жазолайди.

Ҳукумат иккимизни ҳам ҳимоя қила олиш даражасида эмас, сенинг ҳимоячинг ёлғиз Аллоҳ, демак Аллоҳ йўлида сен ўз жонингдан воз кечишинг, жиҳод қилишинг лозим, бу эса сенга тўғридан-тўғри жаннатий бўлишингни кафолатлайди”, – деб қўрқитадилар. Бу каби гаплардан чўчиган аёллар гуруҳ раҳбарларининг ҳар қандай топшириғини бажаришга рози бўлади.

9. Яшаб турган ҳаётлари даҳшатли тарзда таърифланади ва бунга ишонтирилади. Ўз ўрнида ҳаётдан норози аёл учун бу ўзини оқлаш, яъни “мен ёмонмас балки дунё, одамлар ёмон, шунинг учун мен қийналмоқдаман” фалсафасини юзага чиқаради.

10. Аёллар ғаразли ғоялар асосида ташкил этилган гуруҳга олиб борилади ва “ҳақиқий ҳаёт аслида мана шу”, деб уқтирилади. Аёлларга бу каби “эътибор” ва “хушомад” шу қадар таъсир қиладики, бу ерда қолиш учун улар барча нарсага тайёр бўлади.

11. Ўз ғоялари ва “буюк” вазифалари, ўлим ва охират, жазо ҳақида шунчалик “буюк” нутқ сўзлайдиларки, аёлларда танқидий тафаккур йўқолиб, ўрнини тафаккурнинг ўзгармаслиги устунлик қила бошлайди.

12. Аёлга дунёни англаганидан буён “нотўғри” йўлда экани сингдирилади. Бунинг таъсирида аёл ўзи амал қилиб, яшаб келган қадриятларидан воз кечади ва оқим ғоялари тузоғига илинади.

13. Ўз оиласи, яқинларини ўзи “ҳақ” деб билган йўлга киритиши кераклиги, унинг измига юрмаганлардан воз кечиши лозимлиги уқтирилади. Ҳар бир аёлга оқим етакчиси идеаллаштирилиб тасвирланади ва “у ҳеч қачон хато қилмайди” деган фикр сингдирилади.

14. Гуруҳ вакиллари аёлларда “мен”нинг устун бўлишини шакллантирадилар. Бунда, биз яхши, бошқалар эса ёмон, деган тамойилга амал қилинади.

15. Аёлларнинг мустақил фикрлаши, эркинлиги ва ҳатто бўш вақти ҳам назоратга олинади, натижада уларда ўз қобиғига ўралиб қолиш хислати шаклланади. Бу уларнинг қайсар, тушунарсиз ва тажовузкор бўлишларига олиб келади.

16. Аёлларга жаннат, унинг аҳллари, тавсифларини шу қадар етказадиларки, натижада аёллар бу қоронғу дунёда қийналиб яшайдан боқий жаннатга кетиш учун барча нарсага тайёр бўлади.

17. Аёлларга ўз ҳиссиётларини жиловлаш лозимлиги уқтирилади. Натижада, аёлларда меҳр-оқибат, ҳиссиётлари билан бўлишиш каби ҳислатлар йўқолиб ўрнини эътиборсизлик, совуққонлик, ичга ютиш, сирлилиқ, атрофдагилар билан мулоқотга киришмаслик каби хусусиятлар шакллантирилади.

18. Аёлларни тайёрлашда “шаҳид”ликка маҳкумнинг онгини диний тақиқлардан чалғитиш мақсадида махсус танланган матнлардан иборат рисоалардан фойдаланилади. Бу каби рисоалар, ўз бандаларига ўлим юборадиган, ўзи эса абадий тирик ва ягона Аллоҳга ҳамдусанолар билан бошланади ва ўзини портлатиш орқали қурбон қилувчи шахс онгини бундан буён ҳаёт тантанаси ҳақида фикр қилиш имконияти йўқлигига тайёрлайди, аёлларнинг бу каби ҳаракатлари асослантирилади [5:110-115].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бундай “тўр”га илинган аёллар молиявий, шахсий ва ижтимоий омиллардан маҳрум бўлган қулларга айланади. Тафаккурни усталиқ билан бошқариш эса, аёлни жисмонан, руҳан, ақлан ва ижтимоий жиҳатдан таназзулга учрашига олиб келади.

Террористик ташкилотларга жалб қилинган аёлларнинг гуруҳ ичида бажарадиган вазифалари серқирра ва муҳим ҳисобланади. Мутахассислар фикрига кўра, мутаассиб аёлнинг жамоа ичидаги вазифаларини куйидаги уч туркумга ажратиш мумкин:

1) «Оналик бурчи» – она сифатида ёш фарзандлари онгида мутаассиблик уруғларини ундира боради. Жамоада террорчилик фаолияти учун «муносиб» ўринбосарлар тайёрлаб боради.

2) «Янгиларини жалб қила олиш маҳорати» – ҳамфикр, дардкаш қўшни, амма, хола, сингил, опа, она, мураббия сифатида жамоага янги ишонувчан заифаларни тортиб келади.

3) «Тарғибот қуроли» – коммуникация воситалари ривожланиб кетиши натижасида аёл киши айрим оқимлар қўлида тарғибот қуролига, кейин эса қурбонига айланмоқда. Айрим оқимлар одамлар эътиборини тортиш учун айнан аёл кишининг қурол кўтариб машқ қилиши, шаҳидлик белбоғини боғлаши, ўзини портлатиши олдида айтган сўзлари туширилган роликларни оммалаштириш йўлидан бормоқда. Мазкур уч вазифаси билан аёл террорчиларнинг қўлида жуда самарали қурол сифатида хизмат қилмоқда.

Юқоридагилардан ташқари, экстремистик оқимларга аъзо аёллар, аввало, янги гуруҳлар пайдо қилиш ва экстремистик ғояларни кучайтириш мақсадида ўз руҳиятлари устида ишлайди; ўз гуруҳига етакчилик салоҳиятига эга, таъсир ўтказа оладиган аёлларни тўплашга ҳаракат қиладилар. Натижада онг остида ёшлиқдан итоаткорлик сингдирилган шарқ аёли бундай «таъсир»га эга харизматик аёлларнинг осон ўлжасига айланади.

Экстремистик ташкилотлар гуруҳига жалб этилган аёллар махсус шаҳидлар мактабида фақатгина яқка тартибда таҳсил оладилар. Чунки танланган аёллар муаммоси турлича, натижада улар барибир ўлишлари шарт, шундай экан террорчилик ҳаракати содир этишларини ўргатиш учун ортикча маблағ сарфлаш ҳам шарт эмас:

- ўлимларига кўникиш мақсадида гуруҳ раҳбарлари аёл-қизларнинг ўзларига қабр қазитиб шу ерда ётишга мажбур қиладилар;

- гуруҳ раҳбарлари турли тазйиқлар орқали “шаҳид”лар асабининг қанчалар мустаҳкам ва атрофидаги воқеаларга нисбатан совуққон муносабатда эканини текширадилар;

- хавфсизлик хизмати ходимлари эътиборини жалб этмаслик;

- оломон ичида ўзларини тутиш;

- ҳар қандай вазиятда ҳам ўз ҳаяжон ва хавотирларини бошқара олиш ҳамда юз ифодасида бирор ўзгаришни акс эттирмаслик;

- портловчи моддани ўз вақтида ҳаракатга келтиришни унутмасликни ўрганадилар.

Алданган аёллар ўзларига белгиланган “вазифа”ни амалга оширишларидан аввал, тинимсиз равишда гуруҳ мақсадларига мослаштирилган Қуръони карим оятларининг ғаразли мақсадлар йўлида талқин қилинган маъноларини эшитадилар, ташкилотга доир радикал адабиётлар билан танишадилар. Ана шундан кейин улар ҳар қандай ишни қўрқмасдан амалга оширадиган бўладилар.

Ҳар томонлама тайёр бўлган “шогирд” ёзма равишда “тирик бомба” бўлишга тайёр эканини тасдиқлайди. Улар ўзини ўлдиргани, яъни “шаҳид” кетгани эвазига тўғри жаннатга тушаман, деб ишонадилар.

Қайд этиш лозимки, “шаҳид”ликка тайёрланаётган аёлларга ўз фикрларини ўзгартирмасликлари ҳамда портлашдан сўнгги ҳолатни тасаввур қилмасликлари мақсадида

улар бориши лозим бўлган ҳудуд олдиндан кўрсатилмайди.

Ислом дини бировни тазйиққа олиб мажбурий тарзда динга киритишни қоралайди:

“Уларнинг устидан зўравонлик билн ҳукм юргизувчи эмассиз” (Ғошия, 22) [1:592].

“Динда зўрлаш йўқ” (Бақара, 256) [1:42].

“Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи)даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!” (Юнус, 99) [1:220].

“... Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин” (Каҳф, 29) [1:297].

“Сизга – ўзингизнинг динингиз, менга ўзимнинг диним” (Кофирун, 6) [1:603].

“Имон келтирганлар агар Аллоҳ хоҳласа, барча одамларни албатта ҳидоят қилишини билмадиларми?” (Раъд, 31) [1:253].

Аёлларга нисбатан жазолар белгилаш, жисмоний жароҳатлар етказиш, турли азоблар бериш, қатл, уруш билан таҳдид қилиш, хўрлаш, таҳқирлаш ва масхара қилишга рухсат берилмаган.

Ислом таълимотига кўра, инсонга берилган жон неъматни Яратгanning энг буюк неъматларидан саналади. Ўзини ўзи ўлдириш ана шу неъматни поймол қилишдир ва бу энг оғир гуноҳлардан ҳисобланади. “Шаҳидлик белбоғи” ёрдамида ўзини портлатиб ўлдираётган кимсалар нафакат ўзини, балки бошқаларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Бу ҳақда Қуръони карим ва ҳадисларда шундай дейилади:

“Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай” (Нисо, 93) [1:93].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ислом оламида аёл киши, айниқса, она зоти чексиз ҳурмат, иззат-икромга лойиқ инсон деб қаралади. Шу сабаб ҳам ҳадисларда «Жаннат оналар оёғи остида» дея таъкидланган. Ўзини портлатиш орқали бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлишига, қанчадан-қанча болаларнинг етимга айланишига сабаб бўладиган «жафокорлик» эса жоҳиллик, яъни илмсизликдан бошқа нарса эмас. Таассуфки, айрим аёл-қизларнинг ота-оналари, ака-ука ва турмуш ўртоқлари аёлларнинг ўқиш ёки ишлаши шарт эмас, бунинг ўрнига уйда ўтириб ибодат қилсалар етарли, деб ҳисоблайдилар. Бунинг оқибатида,

аёл мустақил фикрлаш қобилиятидан маҳрум, касб-хунар, илм-маърифатдан йироқ, жаҳолат ва ғафлат тузоғига илинишга тайёр ўлжага айланади. Ислом дини эса, эркак ёки аёл эканидан қатъи назар барчанинг илм олиши фарз эканини алоҳида таъкидлайди.

Имом Замахшарий айтадилар: “Қанчадан қанча одамлар ва қавмлар борки, улар сизга гўёки ип қаби эшилиб мулозамат қиладилар, лекин ана ўшалар пайт пойлаб, фасод чиқаришга ишлатиладилар, ғафлатда қолиб шундайларга сира алданманг!”.

Сукрот, “Дунёдаги барча адашишларнинг асосий сабабчиси илмсизликдир”, деган бўлса, буюк ватандошимиз Имом Бухорий эса: “Нажот фақат билимдадир”, деб бежиз айтмаганлар. Уламолар ҳам, мусулмоннинг ўз дини – исломни яхши билиши ўзи, жамияти ва ўзгалар учун ҳам яхшиликдир, дея инсонларни илм олишга чорлаганлар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. /Таржима ва тафсир муаллифи: А.Мансур; таҳрир хайъати: Усмонхон Алимов, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: М.Аҳмадҷонов. –Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 624 б.
2. Абдуллаҷонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Т.: Академия, 2000.
3. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
4. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб). – Т.: “Тошкент ислом универстети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
5. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари. –Т.: Мовароуннаҳр, 2013.
6. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. – Т.: Маънавият, 2000.
7. Каримов А. Дунёвийлик даҳрийлик эмас ёхуд “Ҳизбут-таҳрир”нинг даъволари хусусида мулоҳазалар. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.
8. Mukhammadsidqov, M. (2020). The importance of regulating the relationship between the state and religion in ensuring the stability of society. The Light of Islam, 2020(2), 12-17.
9. Смирнов А. (2001) Что читают террористы? // Новые известия. 2001 йил, 25 октябрь, 197-сон.,
10. Ёшларни бузғунчи ғоялардан асраш: Муаммо ва ечимлар. – Т.: Зарқалам, 2006.